

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ



ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Баъзи бир тарихий шахслар ўз даврининг меваси ва бу даврнинг барча ютуқларини камчиликлари унда қамраб олган бўладилар. Россия Президенти Борис Ельцин худди ана шундай одамлар тоифасидандар, деб ёзади Американин «Бостон Глоуб» газетаси.

Борис Ельцин операция етолдан соғ-омон туриши биланок болшевикларнинг охириг умилларини йўққа чиқарди. Газетанин фикрига қараганда, россияликлар ҳозир уларини «қизил» ва «оқ»қа бўлмасдан бириштирилари лозим. Ҳозирча эса мамлакатда содир бўлаётган воқеалар Президент учун кўрқинчли тушдек, у эса уйғоништа интилаётган одамдек таассурот қолдиради, деб ёзади «Бостон Глоуб».

«Учинчи дунё мамлакатлар»идаги одамларнинг турмуш шaroитини яхшилаш муаммоларига Американин «Крисчиан Сайенс Монитор» газетаси ўз эътиборини қаратди. Мақолада Яман мисолида туғилишининг кўпайиши, соғлиқни сақлаш тизимининг самараси йўқлиги, камбағалликнинг кўпайиши ва одамларнинг кам умр кечириши таҳлил қилинади. Давлат учун туғилишини кўпайиши асосий муаммо бўлиб қолмоқда, ҳамда ҳукуматнинг барча ҳаракатларини йўққа чиқармоқда, деб ёзади газета.

«Ди Вель» газетаси эса Англияда янги ҳарбий денгиз кемасининг яратилишига бағишланган мақола чоп этди. Янги кема шундай яратилганки, душман радарлари уни сезмайди. Кеманин ташқи кўриниши ҳамда махсус мосламалар билан унинг атрофида сунъий туман ҳосил қилиниши кеманин қаерда ва қандай шароитда эканлигини аниқлашга имкон бермайди.

«Экспресс» газетаси эса немис медиқларининг оқватланиш бўйича сўнги тадқиқотларини эълон қилди. Олимларнинг фикрига одамлар истемол қилаётган энг зарарли оқватлардан бири туз ва ёғда ортиқ даражада қорурилган картошка экан. Бу одамни ортиқча семирчиштириб олиб келади ҳамда юракни ишлашига тасир кўрсатиб, қон таркибининг кимёвий тузилишини бузиб юборади.

БИ-БИ-СИННИНГ ОСИЁ АХБОРОТ КАНАЛИ ОРҚАЛИ ОЛИНГАН ХАЛҚАРО ЯНГИЛИКЛАР
КОБУЛ. Толибларнинг қаршилик кўрсатиши давом этмоқда. Ҳукумат қўшинлари толиблар кучлари позицияларига қарата бомба зарбалари беришди. БМТ барча халқро шартномаларни бузган толибларнинг тутган позициясидан жуда ҳам норози. Толиблар халқро жамоатчилик билан алоқа қилмаётганлиги ҳам ана шу норозиликка сабаб бўлган.


СИДНЕЙ. Бортида радиактив моддалари бўлган Россия йўлдоши Австралия киргоқларидан унча узоқ бўлмаган масофада ҳалокатга учради. Австралия ҳукумати бортида радиоактив моддалар бўлган йўлдошнинг уларнинг худудда ҳалокатга учраганлигидан норозилигини Россия ҳукуматига билдириб, унинг оқбатлари учун бутун жавобгарлик Россия томонидадир, деб баёнот берди. Ўз навбатида Россия ҳукумати ҳам Австралия ҳукуматига бортидаги радиоактив моддалар атмосферага тарқалмаслигини, чунки йўлдош қаттиқ муҳофаза қилинганлигини билдирди.

ПЕКИН. Келгуси йилдан бошлаб Хитойда йўловчи ташинишга мўлжалланган МД-90 самолёти ишлаб чиқарила бошланади. Самолёт Хитой авиасаноати билан АҚШнинг «Макдонел-Дуглас» корпорацияси ўртасида тузилган шартнома асосида Шанхай шахриядаги самолётсизлик корхонасида йиғилади.

Шунингдек, Хитой ҳукумати Франция, Италия, Буюк Британия ва Сингапур давлатлари билан ҳамкорликда «Аэробус-100 АЕ» самолётини ишлаб чиқариш тўғрисидаги лойиҳани имзолади.

КАРАКАС. Венесуэла марказининг Боливар майдонида машҳур «Морена Клар» фильми қаҳрамонларидан бири Кларанин қавмай, ҳокимтўра Антонио Ледесманин шаҳсан ўнги талабнома тошчириш мақсадида шаҳар ҳокимлиги биносига бостириб кирмоқчи бўлганлар. Шундан сўнг Кларанин ўжар қанвлари устига қўздан ёш оқизувчи газ пурақашга тўғри келган.

Афғондан Каракасада ҳаман Лисандро Прадоларининг қўли устун кўрилади.



СУРАТЛАРДА: бугунги Франция.

МЎЪЖИЗАЛАР МАМЛАКАТИ

Немислар ҳисоб-китоб ва аниқликни ёқтиришади. Меҳнатсеварлик ва тўғрилиқни қадрлашади. Ана шу хислатлар уларни Европадаги илғор миллатлар сафига қўшди. Қисқа вақт ичида фашизм етказган жароҳатларни тuzатиш ва саноати юксак ривожланган давлат қуриш имконини берди.

Бугунги кунда Германия Федератив Республикаси йилга 604 миллиард марка миқдорда махсулот экспорт қилмоқда. Бу жиҳатдан у дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. 80 миллион нафар аҳолидан бори ўғи 1,4 миллион киши қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилапти. Улар бутун аҳолини таъминлаб қолмасдан, чет мамлакатларга ҳам аъло навли махсулотлар етказиб бермоқдалар.

Бензин билан юрадиган биринчи машина 1886 йилда Карл-Фридрих Бенц томонидан яратилган эди. Кейинчалик Г. Даймлер, В. Майбах, Н. Отто, Р. Дизель томонидан машина моторлари такмиллаштирилди. Ҳозир Германияда йилга 4,5 миллион дона автомобиль ишлаб чиқариламоқда. Ҳар қил фуқаронинг бирда энгк автомашини бор. Биргина «Фольксваген» концернининг турли мамлакатлардаги корхоналарида 270 минг киши ишлайди.

Германия саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги жуда юксак, иш ҳақи ҳам баланд. Шу сабабли кўшни мамлакатлардан кўлиб ишчилар бу ерга иш излаб келади. Ҳозирги пайтда 7 миллион бошқа миллат вакиллари, шу жумладан, 2 миллионга яқин турк Германия фуқаролигини қабул қилган. Мамлакатнинг


бешта шахрида туркча газеталар чоп этилади. Матбуот ҳақида гап кетар дунёда етакчи ўринлардан бирда туришни айтиб ўтиш лозим. 389 та кундалик, 30 та ҳафталик, 8 та яқшабалик газеталар 33 миллионга яқин нусхада тарқалади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган босмахона

дастгоҳлари ҳам бутун дунёда машҳур. Германияда ҳар бир киши ўртача кунга 178 минут телевизор томоша қилади, 40 минут газета ўқийди. Чунки 30 дан ортиқ телеканаллар деярли кечаю кундуз ишлайди. Спорт кўрсатувлари мусиқа, кўнглинолар шоулар китоб ва газетага ҳам вақт қолдирапти.

Юқорида айтганимиздек, немислар ҳисоб-китобни ёқтиришади. Мана улардан айримлари:

Германияда аёлларнинг ўртача ёши 79. Эркакаларники -- 73. Аҳолининг 22 фоизи 60 ва ундан юқори ёшда. Мамлакатда 9,5 миллион ўқувчи, 1,8 миллион талаба бор. Мамлакатда 15 мингдан ортиқ кутубхона бор. Уларда 145 миллиондан ортиқ китоб ва журнал сақланмоқда.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги мўъбир.



Қисқа сатрларда

54 ФOИЗ ОВОЗ ОЛДИ

Дастлабки маълумотларга қўра, Руминиянинг демократик конвенция бирлашмаси раиси Эмил КонстантINESКУ мамлакат Президенти этиб сайланди.

Руминия ижтимоий тадқиқот институтининг норасмий хабарига қараганда, у 17 ноябрь кун мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловнинг иккинчи босқичида 54 фoиз овоз тўлаган. Рақиб -- Ион Илиеску эса 46 фoиз овозга эга бўлган.

Сайлов натижалари ҳақидаги расмий маълумот тез орада эълон қилинади.

ЯНА ОМАДЛАРИ ЧOПМАДИ

Ҳарбийларнинг маълум қилишича, 17 ноябрь кун кечаси 6 нафардан иборат гуруҳ Афғонистондан Тожикистон худудига қоралори олиб ўтаётганда чегарачилар билан тўқнашди. Отишмада контрабандачиларнинг 3 нафари ўлдирилди ва қолганлари қочиб кутулди. Аммо воқеадан тўғри хулоса чиқара олмаган уч киши 18 ноябрь кун кечаси яна бир бор омадларини синаб кўришди. Бироқ, бу сафарги уриниши ҳам муваффақиятсиз яқунланди ва улар орқага чекинишди.

Чегарачилар йил давомида икки тоннадан кўпроқ наркотик моддаларни мусодара қилганлар.

ОЧАРЧИЛИК ОФАТ КЕЛТИРАЯПТИ

АФРИКА. Вашингтондаги халқро тадқиқот институти ходимларининг хабар беришича, Сахрон Кабирнинг жанубида яшовчи 140 миллион кишининг тенг ярми очарчиликни бошдан кечирмоқда. Агар

ушбу минтақадаги мамлакатлар раҳбарияти аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини тезроқ ҳал этмаса, бу кўрсаткич кундан-кунга ошиб бороверади.

ҲУКУМАТЛАРАРО ДАСТУР

Япония Бош вазири Рютаро Ҳасимото ва Франция Президенти Жак Ширак 20 банддан

иборат ҳукуматлараро дастурни имзолади. Бу дастур Япония ва Франциянинг аср охиригача ва XXI асрда сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва илм-фан соҳасида ҳамкорлик қилишини кўзда тутди.

Р. Ҳасимото ва Ж. Ширак БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш, қуролсизланиш, ядро қўрилини тарқатмаслик, минтақавий хавфсизлик ва ривожланиётган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш каби йирик масалалар бўйича ҳам фикр алмашдилар.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ ҚАТНАШАЯПТИ

Париж конгресслар саройида НАТО ассамблеясининг 42-сессияси ўз ишини бошлади. Кенгашта Шарқий Европа давлатлари вакиллари ҳам тақдиф этилган.

Сессияда НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши, унинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури, Умуевропа хавфсизлиги ва узоқдан жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

ТўРТ ЙИЛГАЧА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ БЎЛИШ ЭҲТИМОЛИ БОР

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадона оғир кулларни бошдан кечирмоқда. Аргентина суди унинг агенти Гилермо Копполни қалбаки кўрсатмалар асосида ноқонуний равишда наркотик моддалар савдоси билан шугулланганликда айблапти. Бу ҳам етмагандек, Д. Марадона 1994 йилда бешта мухбирга қарата ўқ узгани туфайли унинг устидан жинорий иш қўзғатилган. Ма-

лумотларга қараганда, футбол юдузи тўрт йилгача озодликдан маҳрум бўлиш эҳтимоли бор.

КЛИНТОННИНГ ҲИ КУНИЛИК САФАРИ

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Осиё ва Тинч океани давлатлари бўйлаб ўн кунлик сафари бошланди. Сафар давомида у Филиппинда бўлиб ўтадиган Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги конференциясида қатнашди. Шунингдек, давлат таширифи билан Австралия ва Таиландда бўлади.

Миллий хавфсизлик бўйича Президент ёрдамчиси уринбосари С. Бергер журналистлар билан суҳбатда сафардан қўзланган мақсад ҳақида гапириб, АҚШ бу минтақага алоҳида эътибор қаратганини айтди. У шунингдек, жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ялли махсулотнинг тўртдан бири ва Америка экспортининг учдан бир қисми Осиё қитъасига тўғри келаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

ТЕПОХОД ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

ҚОҲИРА. Идфу шаҳри яқинида Чехия ва Словакиялик 150 шахрдан иборат теплоход ҳалокатга учради. Натижада 20 киши ноубуд бўлди. Маълумотларга қараганда, теплоход саёлиқка дуч келиб, оғиши туфайли ичига сув тула бошлаган ва ағдарилиб кетган.

Ҳукумат вакиллариининг хабар беришича, кучли шамол қуққаруи ишларини қийинлаштириб юбормоқда.

